

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Тошкент ислом университети магистранти
Бозорбоева Нодиранинг**

Мустақил иши

Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий Мовароуннахрнинг буюк алломаси

Ўзбекистон буюк алломалар юрти. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб, юртбошимиз ташаббуслари билан юртимизда яшаб ижод этган, унинг илмий - маънавий мероси ривожига катта ҳисса қўшган алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий меросига бўлган эътибор янада кучайтирилди.

Дарҳақиқат, Мовароуннахр илм-фан ва маърифатнинг, шу билан бирга санъат, маданият ва меъморчиликнинг бешиги ҳисобланган. Унинг бутун дунё илм фани ривожига катта ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Аз-Замахшарий, Имом Мотуридий, Имом ат-Термизий сингари буюк алломаларининг авлодларга қолдириб кетган бой илмий мерослари таҳсинга лойиқ. Ана шундай алломалардан бири, кўхна Насафдан етишиб чиққан, Насафийлар сулоласининг асосчиси Абу Мутиъ Макхул ан-Насафийдир.

Абу Мутиъ Макхул ал-Фазл ан-Насафий ўз даврининг етук фақиҳ, мутакаллим ва мутасаввуф, муҳаддис олими сифатида танилган¹. Шунингдек, у юксак илму маърифатли сулолардан бирининг асосчиси сифатида ҳам машҳурдир. Алломанинг таваллуд санаси ҳақида ҳозирча манбаларда бирор маълумот учратмадик. Аммо вафот этган йили ҳақида барча адабиёт ва ёзма манбаларда унинг ҳижрий 318, мелодий 930 йилда вафот этганлиги қайд этилган².

Макхулнинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул илм-фан соҳасида отаси даражасига етмаган бўлса-да, лекин ҳанафий мазҳаби олимлари ўртасида юқори мақомга эга бўлган. Шу боис ҳам ҳанафий олимларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятларига бағишланган «ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия» (Ҳанафийлар табақасига мансуб олимлар ҳақида ёрқин жавоҳирлар) номли беш жилдлик қомусий асарнинг муаллифидир. У зотнинг набираси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Макхул ан-Насафий ҳам таниқли фақиҳ бўлиб, у 943 йилда

¹ Сезгин Ф. GAS. Ж 1. Б. 601-602; Броккельман GAL Ж. I. Б. 357-358; Яна қаранг: Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. Ж. IV. Б. 533; Қураший. Жавоҳир. Ж. II. Б. 180; Массиньон Л. Essai sur les Origines de Lezique Technique de la Mustique Musulmane // Paris: 1922. – Б. 241.

² Рудольф У. Ал-Мотуридий. (Ўзб. тил. тарж.). – Б. 94. Бунда Рудольф Макхулнинг устозини Имрон ибн ал-‘Аббос ибн Мусо ал-Миснок деб кўрсатади. Миснок учун қаранг: Ёкут. Муъжам. Ж. IV. Б. 533.

Насафда туғилган. Бир неча йил Бухорода фаолият кўрсатган ва 989 йилда шу шаҳарда вафот этгач, жасади Насафга келтирилиб дафн қилинган.³

Набираларидан яна бири Аҳмад ал-Макхул (379/989 йили Бухорода вафот этган)⁴ ва жияни Абул Маълий ал-Мўътамад ан-Насафий ал-Макхулий Х асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўз даврида илму ирфон йўлида хизмат қилган олимлардан ҳисобланганлар.

Лекин бу олимлар сулоласидан уч авлод ўтгач етишиб чиққан улуғ мутакаллим Абул Муъин ан-Насафий (1027-1114) эришган юксак мақомга улардан бирорталари ҳам етишмаган. У буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридия калом мактабини янада ривожлантириб, унинг Шарқ мамлакатларига кенг кўламда тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган. Абул Муъин ан-Насафийнинг қаламига мансуб «Табсират ал-адилла», «Баҳр ал-калом», «Китоб ат-Тамҳид лил қавоиъд ат-тавҳид» номли асарлари ақидавий масалаларни ўрганишда қимматли манба сифатида илм аҳлига яхши маълум⁵.

Абу Мутиъ Макхул ан-Насафийнинг кейинги авлодлари томонидан бирон-бир асар ёзилганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий Яхё ибн Муъиннинг(в. 258/871 й.) шогирди бўлган ва карромия йўналишининг асосчиси Абу Жаҳм Муҳаммад ибн Карром (в. 255/869 й.) билан бир даврда яшаган⁶. Макхул ан-Насафий Абул Муъиннинг тўртинчи бобоси бўлган. Макхул ан-Насафийнинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул отаси Макхулдан ҳадис ривоят қилган⁷. Афсуски, у ҳақида бизгача тўлиқ маълумотлар етиб келмаган.

Макхул ан-Насафий ҳақидаги маълумотлар келтирилган манбаларда унинг «Китоб фи-т-тасаввуф», «Китобу-р-радд ала аҳл-ал-бидъа ва-л-аҳва»⁸, «Китобу-л-луълият» ва «Китобу-ш-Шуъо»⁹ каби асарлар ёзганлиги таъкидланади. Фуад

³ Кураший. Жавохир. Ж. II. Б. 134.

⁴ Жавохир. Ж. II. Б. 121.

⁵ Оқилов.С Абул Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсират ал-адилла” асари асосида)тар.фан. ном. дис. автореф. Т.:2005й.ТИУ. нашриёти

⁶ Броккельман. GAL. S.Ж. I. Б. 357, 358; Яна қаранг: Массиньон Л. Essai. – Б. 241.

⁷ Тамимий ал-Мавло Таки ад-дин Абдулқодир. Ат-Табақоту-с-санийа фи тарожим ал-ханафийа. IV жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳилв нашри. – Дор ар-Рифойй, 1983. Ж. IV. Б. 178.

⁸ Сезгин Ф. GAS. Ўша жой; Броккельман. GAL. Ўша жой.

⁹ Лакнавий . Ал-Фавоиду-л-баҳийа фи тарожими-л-ханафийа. 2 жилдли. – Қоҳира: 1324/1906. Ж. II. Б. 216.

Сезгин «Китоб фи фазли Субҳон Аллоҳ» номли асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди¹⁰.

Макҳулнинг қўлёзма шаклида етиб келган яна бир асари «Китабу-л-луълиёт фил-мавоъиз » (“Мавъизалар бўйича марваридлар”) рисоласи бўлиб, у алломанинг олдинги асаридан фарқли ўлароқ, кенг ҳалқ оммаси учун фойдали бўлган одоб-ахлоқ, панд-насихатлардан ташкил топган ва таркибий жиҳатдан 135 боб шаклида таълиф этилган ва мавъизалар хусусидаги дастлабки асарлардан бири ҳисобланади¹¹. Бу ерда Аллоҳга манзур бўлишлик, зоҳидлик ҳақида гап боради, диёнатли ҳаёт кечириш учун нималарга амал қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилади.

Маълумки, ўрта асрларда ўзларининг ботил ғояларини тарғиб қилган турлитуман диний гуруҳлар ва оқимлар жамият аъзолари ўртасида парокандалик тарқатиб, Ислом динига катта зарар етказган. Айнан Абу Мутиъ Макҳул ан-Насафийнинг “Китоб ар-Радд” асарида ҳам долзарб масалалардан бири “ақида” масаласида сўз юритилган ва муаллиф томонидан бундай фирқаларга асосли далиллар билан раддиялар берилган.

Макҳул ан-Насафийнинг ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан энг қимматли саналган «Китоб ар-Радд аъло аҳл ал- бидъат ва-л-аҳва» (“Бидъат аҳли ва айниган ҳавойиларга раддия китоби”)¹² асари юзага келиш даврига кўра Ашъарийнинг «Мақолот ал-исломийин» рисоласи билан бир қаторга қўйиш мумкин. Ҳар икки асар тахминан IV/X аср бошларида яратилган бўлиб, улар ўша даврда исломда мавжуд бўлган илоҳиётга оид ақидалар ва оқимларнинг батафсил таърифи ва тавсифига бағишланган. «Китоб ар-Радд” асарининг тузилиши кўп ўринларда анча содда экани ва “Мақолот”дагидек тўлиқ ҳамда аниқ маълумот бермаслиги ажабланарли эмас¹³. Немис шарқшуноси Улрих Рудольфнинг ёзишича, «Китоб ар-Радд» асари X асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ёзилган.

¹⁰ Сезгин Ф. GAS. Ж 1. Б. 602.

¹¹ Паздавий Абу-л-Йуср Муҳаммад. Китоб усули-д-дин / Х. Питер нашри. – Қоҳира: Дор ихйау-л-кутуби-л-арабийа 1383/1963. – Б. 241 (бундан кейин: Паздавий. Усул); Кураший. Жавохир. Ж. II. Б. 180; Қўлёзма ҳақида қаранг: Сезгин Ф. GAS. Ж. I. Б. 602.

¹² Уватов У. Буюк аждодлардан бири. Халқ сўзи 203(4102) сон 2006 йил 17 октябрь

¹³ Ўша асар - Б. 95.

Бу ўзига хос нодир манбадан ўша даврда пайдо бўлиб, хилма-хил ихтилофларни келтириб чиқарган диний оқимлар, фирқалар ҳақида аниқ ва мукаммал маълумотларни олиш мумкин. Муаллиф ўз асарида ўша даврда бепоён ислом оламининг турли томонларида зоҳир бўлган кўп сонли оқимларни олти гуруҳга ажратиб келтирган: қадария, жаҳмия, рофизия, харурия, жабария, муржиъа. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳ 12 тоифага ажратилган бўлиб, асарда жами 72 гуруҳ ва фирқалар, уларнинг таснифлари ҳақида баён қилинади¹⁴.

Шунингдек мазкур оқимларга нисбатан ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан ёзилган ушбу асар айни вақтда Ислом динидаги турли-туман оқимлар тарихи тўғрисидаги дастлабки асарлардан саналиб, улар ҳақида мукаммал маълумот берувчи қимматли манбадир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, оқимлар тарихи тўғрисида ёзилган қадимий асарлар орасида ҳанафий олим тарафидан ёзилганларини учратиш қийин¹⁵.

Юқорида ушбу алломага тегишли бўлган бир қанча асарларни санаб ўтдик. Лекин немис шарқшуноси У.Рудольф Макхулнинг бизгача атиги учта асари сақланиб қолганлигини таъкидлайди ва асосан, унинг «Китоб ар-Радд» номли асари ҳақида кўпроқ маълумот беради¹⁶.

Тарихдан маълумки, Арабистон ярим оролида пайдо бўлган Ислом дини, Пайғамбар (с.а.в) ҳаётлик чоғларида фирқаланиш каби иллатлардан холи бўлган эди. Саҳобаи киромлар Пайғамбар (с.а.в) йўллариини тутиб, бирор янги масалага дуч келсалар, Қуръонга ва ҳадисга мурожаат этардилар. Кейинчалик эса қиёслаш йўлига ўтдилар, яъни Пайғамбар (с.а.в) даврларидаги воқеа-ҳодисалар асосидаги ҳукмларга қиёслаб, масалаларни ечиб борардилар. Бироқ, Хулафои Рошидийнлар давридаёқ мусулмонлар орасида ихтилофлар пайдо бўлиб, фирқаланиш бошланди.

Ҳадиси шарифларда Ислом динида кўплаб фирқаларга бўлиниб кетиш тўғрисида шундай дейилади: Абу Ҳурайра (р.а)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (с.а.в) огоҳлантириб айтганларки: “Яҳудийлар 71 ёки 72 фирқага, Насронийлар 71

¹⁴ Уватов У. Буюк аждодлардан бири. Халқ сўзи 203(4102) сон 2006 йил 17 октябрь.

¹⁵ Annales islamologiques Tome XVI Institut Francais d'archeologie orientale du caire 1980. “Абу Мутиъ Макхул ан-Насафийнинг “Китоб ар-Радд”асари”. Мария Бернанд мақоласидан Б.1.

¹⁶ Рудольф.У Ал-Мотуридий. (Ўзб. тил. тарж.). – Б. 94-111.

ёки 72 фирқага бўлиниб кетган эдилар. Менинг умматим эса 73 фирқага бўлиниб кетадилар”. Бошқа бир ривоятда келтирилишича Пайғамбаримиз (с.а.в): “Фақат биргина фирқа нажот топади”, - деганлар. Шунда саҳобалар: Улар кимлар? -деб сўрадилар. Пайғамбар (с.а.в): “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлларида бўлганлар нажот топадилар”, - деб жавоб қилганлар¹⁷.

Дарҳақиқат, Ислом динидаги фирқаланиш айна дамда ҳам долзарб масалалигича қолмоқда. Айна шу каби фирқа ва оқимларнинг ботил даъволарига раддия бериш масалалари йўналишида бир қатор алломаларимиз самарали ижод этиб, авлодларга ўзларининг бебаҳо меросларини қолдириб кетганлар. Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, шу муҳим йўналишда самарали фаолият кўрсатган буюк сиймолардан бири насафлик аллома Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий бўлиб, у кишининг ушбу мавзуга бевосита алоқадор бўлган “Китоб ар-Радд” асарида ҳам ақида масаласига катта эътибор қаратилганлиги ушбу асарнинг айна шу давр учун ҳам аҳамияти катта эканлигини билиш мумкин. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, аллома ҳақида манбаларда маълумотлар кам, лекин у зот ўз ҳаёти ва илмий фаолияти давомида ўз даврининг етук фақиҳ, мутакаллим ва мутасаввуф, муҳаддис олими сифатида самарали ижод этиб, авлодларга бебаҳо мерос қолдирган шахслардан биридир. Олимнинг бизгача етиб келган асарлари бу фикримизнинг ёрқин мисолидир. Шу каби етук алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий фаолиятларини ўрганиш биз авлодлар олдида катта масъулият юклайди.

¹⁷ Ат-Термизий, Абу Довуд ривоятлари.